## Дараклар

### Аббос Шарон билан тил топишолмади

Қуддусда Фаластин мухторияти Бош вазири Маҳмуд Аббос ва Исроил ҳукумати бошлиғи Ариэль Шарон иштирокида Исроилда сақланаётган фаластинлик маҳбуслар тақдири масаласида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Кузатувчилар музокара жуда асабий тарзда ўтгани, ҳатто бош вазирлар ўртасида даҳанаки тортишув юзага келганини айтишмоқда.

Шарон мамлакат қамоқхоналаридаги 6000 маҳбусдан фақат 100 дан ошиғигина озод этилишини маълум қилган. Маҳмуд Аббос эса "Йўл харитаси" режаси рўёбга чиқиши учун барча маҳбусларга авфи умумий эълон қилиниши зарурлигини айтган. Гарчи ҳукумат раҳбарлари бу борада келишолмаган бўлса-да, маҳбуслар масаласи билан шуғулланадиган ҳамкорликдаги кенгаш тузишга эришилди. Кенгашнинг дастлабки учрашуви бугун бўлиб ўтади.



### Берлускони мулоҳазакор бўлмоқчи

Италия Бош вазири Сильвио Берлускони "Тайм" журналига берган интервьюсида бундан буён мулоҳазакорроқ, юмшоқроқ бўлишга ҳаракат қилишини айтган. Ҳақиқатан ҳам, Берлусконининг ҳовлиқма табиати унга кўп бора панд бермоқда. Ёдингизда бўлса, бундан бир неча ҳафта муқаддам Рим ҳукумати бошлиғи Европарламентдаги германиялик депутатга айтган нацистлар концлагери ҳақидаги ортиқча гаплари билан яна бир машмашани бошлаб юборганди. Ўшанда зиддият чуқурлашиб, ҳукуматлар миқёсидаги тортишувга айланганди. Ҳатто таътилни ўтказиш учун Италияга кетаётган канцлер Герхард Шредер саёҳатини бекор қилганди ҳам. Берлускони эса минг узр-маъзурлар билан ихтилофни бартараф этганди.



### Пиренейда ўрмон ёнғинлари

Испания ва Португалия ўрмонларида айни кунларда кучли ёнғинлар кузатилмоқда. Тахминларга кўра, ёнғинлар ҳаво ҳароратининг ошиши ва ўрмонларда гулхан ёқилиши натижасида юзага келган. Дақиқа сайин улкан ҳудудларни ўз домига олаётган офат Пиреней ярим оролининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, экологиясига катта зарар етказмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, Испаниянинг ўзида 200 гектардан ошиқроқ ўрмон олов ичида қолган.

Айни вақтда икки мамлакатда ҳам ёнғинни бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбир кўрилмоқда.

### Қўрқувдан вафот этди

Ҳиндистон пойтахти Деҳлида қўрқинчли сюжетли "Арвоҳ" фильми намойиши пайтида томошабинлардан бири вафот этди. Маҳаллий полиция вакилининг билдиришича, намойишдан сўнг ўлик ҳолда топилган эркакнинг шахси ҳозирча маълум эмас. Марҳумнинг танасида жароҳат аломатлари йўқлигига асосланиб, полиция унинг қўрқувдан вафот этганини тахмин қилмоқда.




Ушбу ўлимда фильм ижодкорлари айбланмаса керак. Чунки режиссёр томонидан аввал-бошданоқ ҳомиладор аёллар ва юрак хуружи касалига чалинган кишилар учун фильмни томоша қилиш хавфли экани огоҳлантириш сифатида айтилган.

### Собиқ диктатор фалаж бўлиб қолди

Угандaнинг собиқ раҳбари Иди Амин оғир аҳволда Саудия Арабистони шифохоналаридан бирига ётқизилди. Хабарларга қараганда, Ислом динини қабул қилиб, ўн йилдан буён Саудияда яшаётган Амин сўнгги вақтда қон босими касаллигидан кўп азият чеккан ва охир-оқибат фалаж бўлиб шифохонага келтирилган.



Эслатиб ўтамиз, Иди Амин 1971-1979-йилларда Угандани бошқарган. Маълумотларга кўра, у раҳбарлик қилган пайтда мамлакатда 400 мингга яқин киши ўлдирилган ва бедарак йўқолган. Ўта қаттиқ ва шафқатсиз сиёсат олиб борган диктатор саноатда меҳнат қилаётган минглаб осиёликларни Угандадан ҳайдаб чиқарган. Шу орқали у "африкалаштириш" сиёсатини олиб борган.

### Компьютер ҳам "ҳис қилади"

Буффало университети тадқиқотчилари Интернет тармоғи орқали ҳис-туйғуларни ҳам "юбориш" мумкинлигини исботлашди. Улар яратган янги технологияга мувофиқ, узоқ масофада турган кишилар компьютер воситасида бир-бири билан мулоқот қилади ва ана шу мулоқот жараёнида улар фақат нимани ўйлаётганларини эмас, нимани ҳис қилаётганларини ҳам билишлари мумкин. Янги технологиянинг иш тартиби қуйидагича. Махсус қўлқоп кийган биринчи томон — "генератор" компьютер орқали мулоқотга киришади. Қабул қилаётган томон ҳам сенсорлар билан таъминланган махсус қўлқоп орқали юборилган маълумотларни, яъни ҳис-туйғуни сезиши мумкин.



**Интернет хабарлари асосида**
**Абдул СОБИР тайёрлади**

## Ихтилоф

# ЛИБЕРИЯ: ИСЁН, ИСТЕЪФО, ИСЛОҲОТ...

Одатда, Африка давлатларида тез-тез рўй берадиган уруш, давлат тўнтариши ва қуролли қўзғолонларга миллий сиёсатини "жаҳонда тинчликни сақлаш" ишига бахшида этган мамлакатлар ҳам кўпда эътибор беравермайди. Қора қитъанинг ғарбида жойлашган Либерия Республикасидаги биродаркушлик урушига ҳам дунё ҳамжамияти дастлаб бироз беэътибор муносабатда бўлди. Бироқ вазият кўпчилик ўйлаганидан қалтисроқ экани кейинроқ БМТ мутахассислари томонидан очиқ эътироф этилди.

Бир муддат аввал Либерияда амалдаги ҳукумат ва президент Чарльз Тейлорга қарши қуролли қўзғолон яна бошланди. Воинжама шаҳри атрофидан қўним топган исёнчилар эски "қўшиқ"ларни ёдга олиб, Тейлор ҳукумати истеъфоси талабида қўлга қурол олишди. Қўзғолончилар ҳатто пойтахт Монровияга ҳам етиб келишди. Юрт пойтахтидаки, жанг кетаётган экан, мамлакатнинг чекка сарҳадларидаги аҳволни тасаввур қилиш қийин эмас. Либерия яна уруш олови ичида қолди. Ҳукумат қўшини ва исёнчилар ўртасидаги тўқнашувлар айни вақтда ҳам давом этмоқда, биродаркушлик жангида минглаб бегуноҳ либериялик ҳалок бўлмоқда. Аслини олганда, Либерия халқи яқин йигирма йилдан буён тинч, осойишта ҳаёт кечирганини эсломаса керак. Кўп йиллардан бери мамлакатда таҳлика, саросима, нотинчлик ҳукмрон.

1980 йилнинг 12 апрелида Либерияда миллий гвардия аскарлари ва кичик офицерлари томонидан давлат тўнтариши уюштирилди. Унга сержант Самуэль Доу бошчилик қилди. Тўнтариш вақтида мамлакат президенти Уильям Толберт ва кўплаб давлат арбоблари, ҳарбий бошлиқлар қатл этилди. Сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. Амалдаги Конституция бекор қилинди. Сержант Доу (кўп ўтмай генерел!) давлат раҳбари курсисини эгаллади. Ана шу вақтдан бошлаб, Либерия аҳли осуда ҳаёт кечириш бахтидан маҳрум бўлди. Узоқ давом этган сиёсий ва иқтисодий бўҳронлар охир-оқибат фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Айни ўша йиллари сиёсат майдонига "от суриб" кириб келган ҳозирги президент Чарльз Тейлор дастлаб Миллий ватанпарварлар фронтига бошчилик қилди. Ҳаракат фуқаролар муҳорабаси даврида Либериянинг катта қисмини ўз назорати остига олишга муваффақ бўлди. Амалдаги ҳукумат ихтиёрида эса фақат давлат муҳригина қолди, холос. Қайтар дунё экан. Доуга ҳам худди аввалги президент сингари қора қисмат насиб этди. Бироқ президент маҳв этилганидан кейин ҳам фуқаролар уруши тинмади. Энди исёнчилар турли гуруҳларга бўлиниб олиб, ўзаро куч синашишга тушиб кетишди. Фақат БМТ аралашуви билангина 1995 йили тинчлик битими имзоланди. Тожу тахт учун тинимсиз курашган Тейлор эса, ниҳоят, Либерия президентлигига эришди.

Дарвоқе, Тейлор ҳақида. Чарльз Тейлор 1948 йили Либерияда туғилган ва АҚШда таҳсил олган. Америкадалик вақтидаёқ президент Толбертга қарши намойишларда фаол иштирок этган. Таҳсилдан кейин ватанига қайтиб келган ва Доу маъмуриятида сиёсий фаолиятини бошлаган. Бироқ кўп ўтмай, фирибгарлик жиноятида айбланган Тейлор ота юрти Америкага қочиб кетади. У Либерияга бир қанча вақт ўтиб, қорлар ёғиб, излар босилганидан кейин қайтиб келди. Келди-ю, миллий фронт жиловини қўлга олди. Хуллас, Тейлор жуда чаққон, ишбилармон ва билимдон сиёсатдонлигини намойиш қилиб, Либериянинг биринчи рақамли раҳбарига айланди.

Чарльз Тейлор шахсиятига муфассал тўхталиб ўтаётганимизнинг боиси бор. Гап шундаки, халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ амалдаги президентни Либерияда давом этаётган урушнинг асосий айбдори деб баҳоламоқда. Айблов шу билан чекланганда, Тейлор қалпоғини осмонга отиб хурсандчилик қилиши мумкин эди. Бироқ асосий масала шундан иборатки, 2003 йилнинг июнида, яъни ўтган ойда БМТ томонидан Тейлор жиноятларини кўриб чиқиш учун ҳарбий трибунал тузилди. Либерия раҳбари қўшни давлат Сьерра-Леонеда икки йил аввал якунланган фуқаролар уруши даврида исёнчиларга ёрдам кўрсатиш ва бошқа ҳарбий жиноятлар содир этишда айбланмоқда. Айбловга асосланиб, президентни ҳибсга олиш учун ордер ҳам берилди. Бу ҳақда овоза тарқалган пайтда Тейлор Аккрада Гана раҳбарияти билан Монровиядаги вазиятни муҳокама қилаётганди. Совуқ хабарни эшитгач, у Гананинг ўзидаёқ кейинги президентлик сайловида умуман иштирок этмаслигини маълум қилди. Ана шу қарор сабаб, ҳарбий суд Тейлор ишини кўриб чиқишга шошилмаяпти. Чунки унинг бирданига ҳибсга олиниши вазиятни бундан-да мураккаблаштириб, уруш оловини алангалатиб юбориши мумкин. Ҳозирча муҳими — Тейлорнинг тинчгина истеъфога чиқиши ва исёнчилар билан сулҳга эришиш.



Умуман, кўп йиллик фуқаролар уруши либерияликлар тинкасини қуритиб юборди. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Мана, улардан айримларини келтириб ўтамиз. Либерия Африкадаги энг қашшоқ давлатлар сирасига киради. Жаҳон банки маълумотларига қараганда, миллий даромад 2001 йили аҳоли жон бошига бор-йўғи 140 долларни ташкил қилган. Дори-дармон тақчиллиги, тиббий хизмат сифатининг пастлиги ва бошқа омиллар сабаб, аҳолининг ўртача умр кечириш ёши эркакларда 41, аёлларда 42 ёшга тушиб қолган. Мамлакат саноати суст ривожланган. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жамики асбоб-ускуна ва жиҳозлар, ҳатто асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам хориждан келтирилади. Аслида




Либерия улкан табиий бойликларга эга. Мамлакат четга олмос, темир рудаси, ёғоч, кофе, какао экспорт қилади. Агар миллий бойликлардан самарали фойдаланилганда, Тейлор юрти аллақачон қашшоқ мамлакатлар рўйхатидан чиқиб кетган бўларди. Бироқ ҳозирги нотинч вазиятда ташқи иқтисодий ҳамкорлик ҳам издан чиққан. Миллий иқтисодиётнинг асосий тармоғи саналган аграр секторда ҳам муаммолар керагидан ортиқ топилади. Иқтисодий, сиёсий, умуман, барча соҳалардаги муаммолар ечими биринчи навбатда мамлакатда барқарорлик ўрнатишга боғлиқ бўлиб қолган.

Кўп минг сонли аҳоли намойишлар ўтказиб, Либерия муаммосини ҳал этишга АҚШнинг аралашишини талаб қилганидан сўнг Вашингтон ҳам ғарбий Африка давлатидаги аҳволга, гарчи Ироқчалик бўлмаса ҳам, жиддийроқ эътибор бера бошлади. Оқ уй томонидан юборилган ўнга яқин мутахассис Монровиядаги вазият билан танишди. Ана шу мутахассислар хулосасидан келиб чиқиб, Қўшма Штатлар раҳбарияти Либерияга оз миқдорда қўшин юборишга қарор қилди. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг билдиришича, Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамкорлиги (ECOWAS) ташкилотининг бир ярим мингга яқин тинчликпарвар кучлари ҳам яқин кунларда Монровияга киритилади. Аскарлар кириши билан президент Тейлор ҳам истеъфога чиқади. Мамлакатда либерал демократик ислоҳотлар ўтказилади. Хуллас, вазият ижобий томонга ўзгаряпти, дейишга асослар бор.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

## Хабар

# АҚШ 146 ТА "УАЗ" ТАҚДИМ ЭТДИ

Куни кеча АҚШ элчихонасининг ишончли вакили Дэвид ЭПИТТОН Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ҳамда Давлат Божхона қўмитасига фойдаланиш учун 146 та УАЗ русумли автомашиналарни тақдим этди. Умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу машиналарнинг 5 таси "УАЗ-31602" (тўрт ғилдираги ҳам торта олади), 10 таси "УАЗ-3962" (тез тиббий ёрдам учун), 50 таси "УАЗ-33036" (юк учун) ва 76 таси "УАЗ-3153", деб аталади.

Ушбу машиналалар АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилаётган Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги дастури (EXBS) доирасида тақдим этилди.

АҚШнинг Божхона ва Чегарани қўриқлаш агентлиги томонидан амалга оширилаётган EXBS дастури оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, уни етказиш йўллари тизими ва бошқа турдаги қуролларнинг барҳам топишига ёрдам беришни кўзда тутади. Ўзбекистонда мазкур дастур доирасида экспорт назорати соҳасига оид кенг кўламли ёрдам — лицензиялаш, хусусий семинарлар ўтказиш, техник жиҳозлари тақдим этиш ҳамда чегара хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ва ходимлари учун тренинглар ўтказилади.

2000 йилнинг апрел ойида иш бошлагандан бери EXBS дастури Ўзбекистон ҳукуматига жиҳозлар ва 3,5 миллион доллар АҚШ доллари тақдим этган. Бу йилги жиҳоз ва тренинг тарзида бериладиган ёрдам миқдори 6 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлади. Келаси 2 ой давомида бериладиган жиҳозлар қиймати 1,7 миллион АҚШ долларига тенг 3776 та "Матарола" радиоси, 1 миллион 123 минг АҚШ долларига тенг 45 та юк машинаси ва 330 минг АҚШ долларига тенг тунда кўриш жиҳозларидан иборат бўлади. Қиймати 6,5 миллион АҚШ долларига тенг 2 та вертолёт тренажёри ва 5,8 миллион долларга тенг 2 та катер тақдим этилиши режалаштирилмоқда.

**Мухбиримиз**

## Қисмат

# ЗАРМИТАНЛИК ЖАВОНМАРД

**Зармитанлик Бозор Икромов одамларнинг оғирини енгил қилиб, юрт ишончини оқлашга интилиб яшаган инсонлардан эди. Қизилтепалик қариялар уни шундай эслашади. Аммо мустабид мустамлака тузуми туфайли у ҳақдаги ҳақиқат яқин кунларгача яшириб келинди...**

**Ўтган асрнинг 20-30-йилларида Зармитан Бухоро вилояти Қизилтепа туманига қарашли қишлоқ эди. Бозор Икромов ана шу қишлоқда 1900 йилда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Отасидан бор-йўғи битта эшак, битта сигир, ярим таноб ер мерос қолди, холос. Аммо Бозор жуда тиришқоқ, меҳнаткаш бўлиб ўсди. Икки инқилобни кўрди. Хат-саводсиз иш битмаслигини англаб, Бухоро шаҳрига бориб ўқиди. Қисқа муддатли курсни битириб келгач, жамоада фаол иштирок эта бошлади. Уни тез орада "земводхоз" — ер-сув хўжалиги бўлимига ишга олишгач, эртаю кеч далада умр ўтказадиган бўлди. Онаси Шаҳарбону, умр йўлдоши Саломатхон, ўғли Хайрулло, қизалоғи Розия, жияни Бегим Азизова ҳар куни алламаҳалгача ухламай, оби-ёвғонларини асраб, уни пойлаб ўтиришарди. У эса тун қоронғисида уйга қайтар эди. Кўпинча, қаттиқ чарчаганидан овқатланишга ҳам мадори келмай, ухлаб қоларди... Туман ер-сув бўлимида ишлар экан, давлат олиб бораётган сиёсатни синчковлик билан кузатар, баъзан идорага келиб қоладиган "Қизил Ўзбекистон" газетасининг туман мухбири Камолов билан суҳбат қурар, билмаганларини сўраб оларди. Вақт топди дегунча газета ўқир эди.**

САГУни битирган Абдураҳим Искандаров туман фирқасига биринчи котиб бўлиб келди-ю, ишлар бошқача бўлиб кетди. Янги раҳбар жамоалар ишини кузатиб, туманнинг паст-баландини ўрганди. Туманнинг оқсашига асосий сабаб, кадрлар ўз ўрнига қўйилмаганлигида, деб билди. Шу сабабли ҳалол, меҳнаткаш, тўғрисўз кишиларни турли лавозимларга қўйди. Бозор Икромовни ер-сув бўлимидан олиб, Қизилтепа туман ижроия қўмитаси раиси этиб тайинлади. У ҳам бу ишга бежиз қўйилмаганини ишчанлиги, инсонпарварлиги билан кўрсатди. Туманнинг барча жамоа хўжалигини баъзан якка ўзи, баъзан Искандаров билан айланиб чиқар, хўжаликларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганар, қўлидан келганича уларга ёрдамлашар эди.

Котиб Икромовнинг ишчанлигини кўриб, орқада қолаётган Азизобод қишлоқ шўросига қарашли Ваганзи бўлимини ҳам унга топширди. Тезкор вакил сифатида бўлим аҳолисининг талабини эшитар, пахта тайёрлаш мажбуриятини вақтида бажариш учун барча чора-тадбирларни кўришга интиларди. Аммо 1937 йилнинг об-ҳавоси жуда оғир келди. Туман пахтакорлари анча заҳмат чекишди. Азизободнинг ўзи оғир жой; ер ботқоқ, тупроғи ҳам шўр. Ҳамма иш қўл меҳнати билан бажарилади. Ишчи кучи ҳам етишмасди. Ғиждувондан мажбурий кўчириб келтирилган 500 хўжаликдан 300 таси бу жойга кўниколмай қайтиб кетди. Бунинг устига инсоний ҳақ-ҳуқуқлари бузилган кишилар ишлашни хоҳлашмас, шўролар ҳукумати эса об-ҳавонинг нобоплиги, инсоний ҳуқуқларнинг поймол этилгани, техниканинг етишмаслиги билан мутлақо иши йўқ эди. Барчанинг тилида фақат пахта, пахта, план бажариш, рапорт... Бундай сўйламайдиганлару ўйламайдиганлар "ўзгача фикрловчи", "аксилинқилобчи", "босмачи", "босмачиларнинг думи" деб ҳисобланар эди.

Бозор Икромов "камбағал оиласиданман, мен юрт манфаати учун ҳалол ишлаяпман, ҳеч ким мени айбламайди", деб ўйларди. Шу сабабли жамоаларнинг жисмоний қувватини ошириш, маиший шароитини яхшилаш, одамларга эркинлик бериш билан пахта теримини олға силжитиш учун Искандаров кўрсатмаси билан Тошработ қишлоғидан кўчириб келинган меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклайди. Ҳар жойдан душман, ҳар нарсада аксилинқилобчилик ахтаришга одатланган НКВДчиларга бу ҳол маъқул келармиди, албатта, йўқ. Уларга 1935-1937-йиллардаги пахта планининг бажарилмагани, котибнинг уйига Акмал Икромов, Акбар Исломов каби жумҳурият раҳбарларининг келиб-кетиши катта баҳона бўлди. 1937 йил сентябрь ойи режасини туман бажара олмади. Белгиланган 45 фоиз ўрнига 15,5 фоиз ҳосил олинди. Шу боис туман раҳбар ва ходимлари жавобгарликка тортилди. Улар орасида А. Искандаров, А. Раҳматов, А. Неъматов, Н. Шарипов, Бозор Икромов ва турли лавозимларда ишлаган Қ. Ортиқов, А. Асадов, Ф. Отамуродов аксилинқилобчилик, пахта планини атайлаб бажармаслик — саботаж, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзоликда айбланиб, ҳибсга олинадилар.

НКВДнинг Бухоро сектори ходимлари 1937 йил 30 сентябрда дастлабки терговни ўтказадилар. Уларга "Айблов қарори" ўқиб эшиттирилади. Бозор Икромов қарор билан танишгач, лотин алифбосида "Аксилинқилобчиликни бўйнимга олмайман", деб имзо чекади. Аммо терговчилар халқ орасида душман қиёфасини шакллантиришга эришган эдилар. Унинг устига 27 нафар сохта гувоҳ ҳам тайёрлаб қўйилган эди. Савол-жавоблар наридан-бери ўтказилиб, қўл қўйилса, бас...

Қонун, далил-исбот деган нарсалар тергов, прокуратура ва суд ташкилотлари учун мутлақо ёт эди. Ўша пайтдаги, яъни 1937 йил 30 сентябрда Бозор Икромов билан ўтказилган дастлабки тергов бунга яққол мисол бўла олади.

**Савол:** "Қизилтепа туманида пахта тайёрлашни саботаж қилган Искандаровнинг яқин дўстларини номма-ном айтиб беринг!"

**Жавоб:** "Искандаров барча кишилар билан таниш эди! Асосан туман котиби, муовини Раҳматов ва ўз қариндоши Ортиқов билан яқин эди".

**Савол:** "Искандаровнинг уйига борганингиз терговда аён бўлди, буни тасдиқлайсизми?"

**Жавоб:** "Искандаров билан алоқамиз иш юзасидан эди, кўпинча ўзаро баҳслашиб қолардик".

**Савол:** "Айтинг-чи, Искандаров сизни аксилинқилобий ташкилотга қандай аъзо қилди ва қандай топшириқлар берган?"

**Жавоб:** "Искандаров мени аксилинқилобий ташкилотга аъзо қилмаган ва аксилинқилобий топшириқлар бермаган".

**Савол:** "Искандаров сизга доимо "туман ходимлари ўз ишларида аҳил ва уюшқоқ бўлишлари керак", демаганми?"

**Жавоб:** "Искандаров 1935-1937-йиллар мобайнида бундай гапларни айтмаган".

**Савол:** "1921 йилда аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотига ким томонидан аъзо қилингансиз?"

**Жавоб:** "Мен "Миллий иттиҳод"да бўлмаганман ва бундай ташкилот ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасман".

**Савол:** "Миллий иттиҳод"нинг Қизилтепа шўъбаси аъзолари, жумладан, сиз, босмачи тўдаларини ташкил этгансизлар ва уларнинг ёрдамчилари бўлгансизлар. Шахсан сизга бу аксилинқилобий ишни ким топширган?"

**Жавоб:** "Мен босмачиларнинг ким эканлигини билиш у ёқда турсин, ҳатто уларни кўрмаганман ва ўзим уларга ёрдам берган эмасман".

**Савол:** "1937 йил сентябрь ойи пахта теримини саботаж қилган гуруҳда бўлиб, теримни барбод қилишни ташкил қилишда ўзингизни айбдор, деб биласизми?"

**Жавоб:** "Аксилинқилобий гуруҳда бўлмаганман ва пахта теримини саботаж қилиш билан шуғулланган эмасман..."

**Савол:** "Сиз ёлғон гапиряпсиз... Искандаров бўлим бўйича пахта теримини барбод қилишни шахсан сизга топширган. Буни тан оласизми?"

**Жавоб:** "Мен вакил бўлган Ваганзи бўлимигина эмас, балки, умуман туман бўйича пахта плани бажарилмади, пахта терими барбод қилинди. Лекин Искандаров менга: "Пахта теримини саботаж қил" деб очиқчасига кўрсатма берган эмас".

**Савол:** "Демак, Ваганзи бўлими бўйича сентябрь пахта тайёрлаш планини барбод қилишга сизнинг ўзингиз раҳбар экансиз-да, шундайми?"

**Жавоб:** "Мен саботажга раҳбарлик қилганим йўқ. Пахта плани бажарилмаслигига колхозчиларнинг ишдан совиш кайфияти сабаб. Чунки тайёрлов пункти пишмаган, ҳўл пахтани қабул қилишни хоҳламади."

**Савол:** "Искандаров нима учун сиз билан бу тўғрида гаплашмади ёки у гапирмаса ҳам сиз унинг кўрсатмасини бажаришингизга ишонар эдими?"

**Жавоб:** "Мен бундай жиноятга ҳеч қачон рози бўлмаслигимни Искандаров яхши билар эди. Тумандаги аҳвол учун Искандаров ҳам, мен ҳам айбдормиз. Тўғри, Акмал Икромов Искандаровнинг уйига келган эди, агар у меникига келса, мен ҳам унга жой берар эдим".

1937 йил 11-17 октябрь кунлари Ўзбекистон Олий суди Сайёр ҳайъати суд ўтказади. Судда айбдорларнинг айби исботини топмайди. Айбланувчилардан Аҳад Асадов адолатсизликка чидай олмади. МТС директорининг сиёсий ишлари бўйича ўринбосари бўлган бу инсон Икромов ва Искандаров ҳақида дангалига: "... булар ҳеч қандай сўзларни айтишмаган, буларнинг аксилинқилобий сўзлар айтишганини билмайман", — дейди. Бироқ айбланувчининг сўзи бирон марта инобатга олинганми? Икромов ва шериклари Жиноят Кодексининг 62-, 67-, 51-моддалари билан айбландилар. Суднинг ҳукмига қарши Бозор Икромов: "Кўрсатилган моддалар бўйича ўзимни айбдор ҳисобламайман", — дейди мардонавор.

Ҳа, Бозор Икромов ва бошқалар ўзларини айбдор деб тан олмадилар, фақат 27 нафар сохта гувоҳ кўрсатмасидан бошқа бирор далил топилмади. Қаттиқ қўрқув остида гувоҳлик берган кишилар бирон иш қилишга ожиз эдилар. Чунки бор ҳақиқатни айтсалар, ўзлари ҳам қора курсида ўтиришлари ҳеч гап эмас эди. Аммо қўрқув бошқа, бировнинг умрига зомин бўлмоқ бошқа. Тоғ тоғ билан учрашмайди, инсон инсон билан учрашади, дейдилар. Сохта гувоҳлардан Убайдуллаевнинг бошига ҳам Б. Икромовнинг куни тушади. У сургунда юрганда, А. Асадов билан учрашиб қолиб, НКВД ходимларининг қўрқитуви билан ёлғон гувоҳлик берганини айтиб, пушаймон бўлган эди, Бироқ...

Ҳар бир даврнинг ўз ёлғончилари, қаттоллари, маддоҳлари ва ҳақиқатгўйлари бўлади. 27 нафар одам ёлғон гувоҳлик берган бир пайтда Тошкентдан борган оқловчи Йўлдош Тошхўжаев суднинг адолатсизлигидан норози бўлиб, асоссиз ҳукмнинг бекор қилинишини, айбдорларнинг-да озод этилишини қатъий талаб қилади. Аммо уни қувватловчи киши топилмайди. Суд Бозор Икромов, А. Искандаров, А. Раҳматов, А. Неъматов, Н. Шариповни олий жазога, Қ. Ортиқов, А. Асадов, Ф. Отамуродов, Б. Йўлдошевни 10 йилга озодликдан маҳрум этади. Бундай адолатсиз ҳукмга виждонан чидай олмаган Й. Тошхўжаев "Халқлар отаси" номига шикоят юборди. Аммо адолат қарор топиши ўрнига оқловчи ўша пайтдаги адлия комиссарининг ташаббуси билан адвокатлар сафидан ўчирилади.

Пири комиллар замон бундай турмайди, дейишади. Ҳақ гап: замон ҳам, сиёсий тузум ҳам ўзгаради. Бозор Икромов ва унинг ҳамкасблари оқланди. Мустақиллик шарофати билан "Мен ўзимни айбдор деб билмайман", — деган пок, жавонмард инсон ҳақида бор гапни айтишга шароит яратилди.

Бозор Икромовнинг авлодлари қалби пок, мард ва меҳнаткаш боболари билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Уларнинг бунга тўла ҳақлари бор. Бу — истиқлол берган ҳақ-ҳуқуқдир.

**Сирожиддин АҲМАД,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссиясининг аъзоси**

## Тақдимот

# "ҲИИРАГИ" — МАНГУЛИК ТИМСОЛИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театрига кириб, қалбингиз кўп бор ҳаяжонга, вужудингиз завқу шавққа тўлган. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу масканда қўйилган ажойиб пьесалар бўлса, иккинчидан, бинонинг томошабин талаби даражасида қурилганлиги ва ҳар жиҳатдан қулайлигидир. Хўш, ана шу муҳташам бинони кимлар бунёд этгани ҳақида эшитганмисиз?

Ўзбекистон-Япония марказида тақдимот маросими бўлиб ўтган "Ҳиираги" деб номланган ҳужжатли фильмдан юқоридаги саволга жавоб олиш мумкин. Ўзбекистон-Япония маркази ҳамда "АЯ" кўп тармоқли хусусий фирмаси ҳамкорлигида, муаллиф Эркин Усмонов сценарийси асосида ишланган фильм Иккинчи жаҳон уруши арафасида асирликка олиниб, Ўзбекистонга жўнатилган Япония фуқаролари, уларнинг тақдири, бунёдкорлик меҳнати ва шу ерда абадий маскан топган сиймоларнинг ёрқин хотирасига бағишланади.

"Ҳиираги" (мангулик) япон халқида ҳамиша мангулик тимсоли сифатида қадрланувчи хушбўй гул номидир.

Келажакда ўн қисмдан иборат бўлиши кутилаётган фильмнинг илк сонини бошдан-оёқ кузатар эканмиз, ижодий гуруҳ раҳбари Жалил Султоновнинг юртимизда бир пайтлар меҳнат қилган япон фуқаролари тўғрисида тўплаган ноёб ҳужжат ва маълумотлари қимматли манбалар эканлигига амин бўламиз.



Тақдимот маросимига йиғилганлар учун фильм ўзбек ва япон тилларида намойиш этилди. Муҳокама жараёнида уни тайёрлашда иштирок этган ижодкорлар фильмнинг тарихий қиммати ва Ўзбекистон-Япония муносабатларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтишди.

"Ҳиираги"ни томоша қилган юртдошларимиз ўзлари учун тарихимизнинг янги саҳифасини кашф этган бўлсалар, ажабмас.

Япониялик Кобаяши Юмико фильмдан кейинги ўз ҳаяжонларини бизга шундай изҳор этди:

— Мен жуда хурсандман, фильм орқали кўплаб юртдошларим, уларнинг уруш йилларида ва ундан кейин Ўзбекистонда кечган ҳаёти тўғрисида маълумотга эга бўлдим. Япон аскарларининг хотирасига бағишлаб тайёрланган ушбу фильмни япон халқига бўлган ҳурмат ва эътибор сифатида қабул қиламан. Уни тайёрлаган барча ижодкорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Зебо НАМОЗОВА**

